

Транспорт Воситалари Ҳаракати Ёки Улардан Фойдаланиш Хавфсизлиги Қоидаларини Бузиш Учун Жавобгарлик: Миллий Ва Хорижий Тажриба

Рашидов Шавкатбек Равшанбек ўғли
ИИВ Академияси мустақил изланувчиси

Анотация: Ушбу мақолада транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги таъминлаш бўйича айрим ривожланган давлатларнинг қонунчилиги чуқур ўрганилган ҳамда давлатимиз қонунчилиги билан таққосланган. Айрим ривожланган давлатларнинг қонун нормаларида белгилаб қўйилган ижобий томонлар, шунингдек қўлланилаётган чора-тадбирлар тўлиқ ўрганилган. Бундан кўзланган асосий мақсад ушбу ижобий томонларни миллий қонунчилигимизга мослаштириш, мавжуд янгиликларни жамиятимиздаги ижтимоий муносабатларга жорий қилиш ёритилган.

Калит сўзлар: Транспорт воситаси, Австрия, Болгария, Буюк Британия, Дания, Украина, Эстония, Испания, Франция, Болгария, Дания, Испания, Украина, Финляндия, “hands-free”, АҚШ, озарбайжон, Россия, романо-герман.

Давлатнинг ҳуқуқий сиёсатини амалга ошириш учун бошқа мамлакатларнинг жиноят қонунчилигини, уларнинг хусусиятлари ва ижобий томонларини ўрганиш муҳимдир. Хорижий мамлакатлар қонунчилигини қиёсий таҳлил қилиш муаммонинг моҳиятини янада аниқроқ тушуниш, жиноятчиликни ва қилмишларнинг жазога лойиқлигини тавсифлаш, миллий қонунчиликни такомиллаштириш имконини беради.

Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган қонун ҳужжатларини тўғри тушуниш учун хорижий мамлакатларда йўл ҳаракати ва унинг хавфсизлигини ҳуқуқий тартибга солиш асосларини билиш талаб этилади.

Транспорт воситалари ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлигини таъминлаш масалаларини тартибга солишга бағишланган Йўл ҳаракати тўғрисидаги қонунлар Австрия[1], Болгария[2], Буюк Британия[3], Дания[4], Украина[5], Эстония[6] да амал қилади. Испанияда шунга ўхшаш ҳужжат “Механик транспорт воситаларининг ҳаракати ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги асосий қонун”[7] деб аталади. Болгария[8], Дания, Испания, Украина ва Финляндия[9] да йўл ҳаракати тўғрисидаги қонун ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи бирдан-бир ҳужжат ҳисобланади. Норвегияда йўлларда хавфсизликни таъминлаш масалалари “Йўл ҳаракати тўғрисида”[10] ги қонун билан бир қаторда, 1936 йил 16 июлда қабул қилинган “Муайян касблар эгаларининг ўзларини тийишлари шарт бўлган фаолиятлар тўғрисида”[11] ги қонун билан тартибга солинади. Унда муайян касб эгалари, шу жумладан тижорат транспорт воситаларининг ҳайдовчилари учун йўлга чиқишдан олдин камида 8 соатгача бўлган муддат мобайнида алкоҳоль, бошқа маст қилувчи ичимликлар ёки гиёҳвандлик воситалари истеъмол қилишдан ўзини тийиши талаби белгиланган.

Шу ўринда Франциянинг йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги норматив-ҳуқуқий тизими алоҳида диққатга сазовордир. Бу мамлакатда Йўл ҳаракати қоидалари (5 жилддан

иборат)[12], Автомобиль йўллари сақлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш қоидалари[13], йўл белгилари ва сигналлари тўғрисида идоравий йўриқнома[14] ва Жиноят кодекси[15] асосий ҳужжатлар ҳисобланади. Франция Йўл ҳаракати қоидаларининг қонун чиқарувчи ва тартибга солувчи қисмларга ажратилган беш жилдида йўл ҳаракати билан боғлиқ барча масалаларни тартибга солувчи қоидалар мажмуи мустаҳкамланган.

Чет мамлакатлар қонунчилигида асосий урғу йўл ҳаракати қоидаларини бузувчиларнинг моддий жавобгарлигига берилади. Бунда йирик суммаларга жарималар билан бир қаторда, автотранспорт воситаларини мусодара қилиш, ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум этиш каби чоралар ҳам қўлланилади.

Сўнгги йилларда айрим мамлакатлар қонунчилигида йўл ҳаракати қоидаларини бузишнинг янги турлари пайдо бўлди. Улар, энг аввало, транспорт воситасини бошқариш пайтида телефон орқали сўзлашувлар билан боғлиқ. Ривожланган мамлакатларнинг деярли барчасида транспорт воситасини бошқариш пайтида “hands-free” гарнитурисиз мобил телефон орқали сўзлашиш тақиқланган. АҚШ ва Канаданинг айрим штатлари, Қувайт, Европада Швеция ҳозирча бундан мустасно. Австралия[16], Швейцария[17] каби мамлакатларда транспорт воситасини бошқариш пайтида телефон орқали сўзлашиш бутунлай тақиқланган. Австралианинг айрим штатларида, Бельгия[18], Кения[19], Малайзия[20] ва Сингапур[21] каби мамлакатларда бу ҳуқуқбузарлик учун йирик суммадаги жарималар билан бир қаторда қамоқ жазоси ҳам назарда тутилган. Испания[22] да транспорт воситасини бошқариш пайтида мобил телефон алоқаси орқали сўзлашиш учун “hands-free” гарнитуридан фойдаланиш ҳам тақиқланган. Фақат овоз чиқарадиган қурилмалардан фойдаланишга йўл қўйилади. Тақиқлар автомобилни бошқариш пайтида SMS хабарлар юборишга ҳам татбиқ этилади. Мазкур ҳаракатлар “hands-free” гарнитурисиз уяли телефон орқали сўзлашишга тенглаштирилади. Болгарияда муниципал транспортда ҳайдовчилар билан бир қаторда, йўловчилар ҳам мобил телефон орқали сўзлашишлари тақиқланган.

Бу ҳол шу билан изоҳланадики, Германия ва Чехияда ишлаб чиқарилган автобуслар ва трамвайлар электрон қурилмасининг иши уяли телефонлардан тарқалувчи радиотўлқинлар таъсирида издан чиқиши, бу эса йўл-транспорт ҳодисасига олиб келиши мумкин.

Австралия[23], Беларусь[24], Бразилия[25], Германия[26], Кипр[28], АҚШ[29] да рўлда чекишни тақиқловчи қонунлар лойиҳалари муҳокама қилинмоқда. Тўғри, Австралияда бу тақиқ фақат автомобиль саломида 12 ёшга тўлмаган бола кетаётган ҳоллар учун белгиланган. Буюк Британияда автомобилни бошқариш пайтида чекиш учун 30 фунт миқдорида жарима солинади[30].

Бошқа давлатлар тажрибаси ҳар бир мамлакатга ўз жиноят қонунчилигини янада самарали ишлаб чиқиш имконини беради. Француз ҳуқуқшуноси Марк Аксель бу хусусда сўз юритар экан, чет мамлакатлар ҳуқуқини ўрганиш “ҳуқуқшуносга ўз мамлақати ҳуқуқини янада яхшироқ билиш учун имконият яратади, зеро мазкур ҳуқуқнинг ўзига хос жиҳатлари уни бошқа тизимлар билан таққослаганда янада ёрқинроқ кўзга ташланади. Таққослаш ҳуқуқшунос олимни ўз ҳуқуқини жуда яхши билганда ҳам олиш мумкин бўлмаган далиллар ва ғоялар билан қуроллантиришга қодир”[31], деган фикрига кўшиламан, Н.Е.Крилова, А.В.Серебренникова фикрига кўра, ҳуқуқий тизимни ҳам кенг, ҳам тор маънода ўрганиш ўринли бўлади. Ҳуқуқий тизим (тор маънода) – бу миллий ҳуқуқнинг муайян структурага эга бўлган, ҳуқуқ нормалари, ҳуқуқий институтлар ва ҳуқуқ тармоқларини ўз ичига олган тизими. Кенг маънодаги ҳуқуқ тизими ҳуқуқий ҳодисаларнинг уч гуруҳини: 1) юридик нормалар, институтлар, ҳуқуқий тартибга солиш тармоқ (соҳа)лари (норматив томон); 2) ҳуқуқий муассасалар мажмуи (ташкилий томон); 3) мазкур жамиятга хос бўлган ҳуқуқий қарашлар, тасаввурлар, ғоялар мажмуи (ҳуқуқий маданият)ни ўз ичига олади[32].

Ҳуқуқий оилалар типологияси ҳақида гапирганда, шуни қайд этиб ўтиш лозимки, фанда уларни таснифлашга нисбатан турли хил ёндашувлар мавжуд. Ҳар бир ҳуқуқий оиланинг хусусияти шундаки, унга турли (юридик, тарихий, диний ва ҳ.к.) манбаларнинг муайян мажмуи хосдир[33].

Умумий ҳуқуқ (англосаксон ҳуқуқи) тизими шу билан тавсифланадики, бу ерда суд прецеденти ҳуқуқ манбаи сифатида тан олинади. Тор маънода суд прецедентлари тўплами сифатидаги умумий ҳуқуқ статут ҳуқуқига қарши туради[34].

Роман-герман ҳуқуқ оиласида ёзилган ҳуқуқ, яъни давлатнинг қонун ҳужжатларида қайд этилган юридик нормалар асосий ҳуқуқ манбаи ҳисобланади. Бу ерда судья бошқа суд илгари қабул қилган қарорга риоя қилишга мажбур эмас, олий суд ва (ёки) конституциявий суд амалиёти бундан мустасно. Бироқ бу ҳолда ҳам олий суд инстанциялари ўз қарорлари билан янги нормалар яратишга ҳақли эмаслар, улар фақат норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мавжуд нормаларни шарҳлашлари мумкин[35].

Йўл ҳаракати хавфсизлигига тажовуз қилганлик учун жавобгарлик масалаларини тартибга солувчи нормалар барча мамлакатлар ЖКда белгиланган. Айни пайтда тарихий ривожланиш хусусиятларига кўра ҳар бир мамлакатда қонун чиқарувчи мазкур ижтимоий хавфли қилмиш учун жавобгарликни ҳуқуқий тартибга солишга нисбатан турлича ёндашади.

АҚШ жиноят қонунчилигини ўрганиш бу ерда йўл ҳаракати соҳасида айниқса, қуйидаги жиноятлар кўп учрашини кўрсатади: транспорт воситасини маст ҳолда бошқариш; транспорт воситасини ғайриқонуний эгаллаб олиш; автомобиль жиноятни содир предмети ёки воситаси сифатида амал қилувчи бошқа автотранспорт жиноятлари[36].

АҚШ жиноят қонунчилигига кўра транспорт воситасини маст ҳолда бошқариш жиноят сифатида бир қатор хусусиятларга эга.

Биринчидан, АҚШ ЖКда транспорт воситасини маст ҳолда бошқаришни ҳуқуқий баҳолаш истеъмом қилинган спиртли ичимлик миқдори нуктаи назаридан ўзига хосдир. Бир томондан, Кўшма Штатларнинг йўлларида спиртли ичимликлар ичиш тақиқланмайди: энг муҳими, ҳайдовчи ўз организмни бошқара олса ва истеъмом қилинган ичимлик миқдори интоксикациянинг йўл қўйилган меъёридан ортиқ бўлмаса, бас. Масалан, айрим штатларда мазкур меъёр ҳар мм га тахминан 1,0 мг ни ташкил қилади (яъни бир неча бутилка пиво ёки 100 г дан сал кўпроқ ароқ ичиш мумкин). Бошқа томондан, транспорт воситасини ўта маст ҳолда бошқарган ҳайдовчилар қаттиқ жазога тортиладилар.

Иккинчидан, транспорт воситасини маст ҳолда бошқариш айрим штатлар даражасида ҳам, федерал даражада ҳам жиноят деб ҳисобланади[37].

МДХ мамлакатларининг жиноят қонунчилиги Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунчилигига кўп жиҳатдан ўхшаш, чунки 1996 йилги МДХга аъзо-давлатларнинг Модель Жиноят кодекси қоидаларига асосланади[38]. Шу маънода Беларусь ва Украина жиноят кодекслари алоҳида диққатга сазовордир.

Беларусь Республикаси ЖКда транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш учун жиноий жавобгарлик масалаларини тартибга солувчи нормалар “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар” деб номланган 28-бобга киритилган. Бунда, энг аввало, транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш тарихидаги жиноятнинг асосий таркиби мустаҳкамланган 317-моддага[39] эътибор қаратиш лозим. Диққатга сазовор жиҳати шундаки, Беларусь Республикаси ЖКга мувофиқ транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш учун жиноий жавобгарлик ҳатто баданга ўртача енгил шикаст етказилган ҳолда ҳам келиб чиқади. Мазкур жиноят жарима ёки муайян лавозимни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёхуд икки йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёки икки йилгача муддатга озодликни чеклаш ёки худди шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Агар транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш эҳтиётсизлик орқасида одам ўлишига ёки баданга оғир шикаст етказилишига олиб келган бўлса, икки йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишлари ёки беш йилгача озодликни

чеклаш ёхуд муайян лавозимни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этган ҳолда, худди шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Арманистон Республикасида ЖК 242-моддаси[40] таҳрири Ўз.Рес. ЖК 266-моддаси билан мос келади. Транспорт воситасини маст ҳолда бошқариш жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади (Арманистон Республикаси ЖКнинг 63-моддаси). Шу билан бир қаторда, арман қонун чиқарувчиси транспорт воситасини маст ҳолдаги одамга ёки ўн олти ёшга тўлмаган шахсга беришни алоҳида жиноий қилмиш сифатида ажратган (Арманистон Республикаси ЖК 243-моддаси). Тўғри, бу қилмиш фақат унинг натижасида Арманистон Республикаси ЖК 241 ва 242-моддаларида назарда тутилган оқибатлар юз берган тақдирда жиноят деб топилади.

Қайд этиш лозимки, арман қонун чиқарувчиси йўл-транспорт ҳодисаси юз берган жойни ташлаб кетиш тарзидаги қилмиш ЖКда декриминализация қилинмаган. Арманистон Республикаси ЖКда мазкур жиноят таркиби қолдирилган ва у қуйидаги кўринишга эга: “Транспорт воситасини бошқараётган ва йўл ҳаракати ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузган шахснинг йўл-транспорт ҳодисаси юз берган жойни ташлаб кетиши, мазкур Кодекснинг 242-моддасида назарда тутилган оқибатлар юз берган ҳолда, икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача муайян лавозимларни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиб ёки маҳрум этмасдан икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”[41].

Россия Федерацияси ЖКнинг[42] “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар” деб номланган 27-бобидан ўрин олган йўл ҳаракати ва транспортдан фойдаланиш қоидаларини бузиш учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи 264-моддада автомобиль, трамвай ёки бошқа механик транспорт воситасини бошқараётган шахснинг йўл ҳаракати ёки транспортдан фойдаланиш қоидаларини бузиши эҳтиётсизлик орқасида одамнинг соғлиғига оғир зарар етишига сабаб бўлса, уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч ойдан олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиб ёки маҳрум этмасдан икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланган.

Мазкур қилмиш маст ҳолдаги одам томонидан содир этилган ва эҳтиётсизлик орқасида одамнинг соғлиғига оғир зарар етишига олиб келган бўлса, уч йилгача транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиб, уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Юқорида зикр этилган қилмиш эҳтиётсизлик орқасида одам ўлишига сабаб бўлса, уч йилгача транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиб, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Ушбу қилмиш эҳтиётсизлик орқасида икки ёки ундан ортик одамлар ўлимига сабаб бўлса, уч йилгача транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиб, етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Озарбайжон Республикаси ЖКда[43] йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги муносабатлар “Транспорт воситалари ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар” деб номланган 29-боб нормалари билан муҳофаза қилинади. Тегишли нормалар мазмуни Россия Федерацияси ЖК нормаларига ўхшаш. Озарбайжон Республикаси ЖКнинг 263-моддаси РФ ЖКнинг 264-моддаси таҳририга мос келади, бироқ унда соғлиққа ўртача оғир зарар етказганлик учун ҳам жавобгарлик назарда тутилган. Модда санкцияси нисбатан оғирроқ. Шу билан бир қаторда, йўл-транспорт ҳодисаси юз бергандан сўнг хавф остида қолдириш учун жавобгарлик тўғрисидаги модда ҳам мавжуд.

Қирғизистон Республикаси ЖКда[44] кўриб чиқилаётган жиноят таркибини тартибга солувчи нормалар “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар” деб номланган 27-бобга киритилган. Тегишли моддада Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасидагига ўхшаш ғайриқонуний ҳаракатлар кўрсатилган, бироқ уларни содир этганлик учун нисбатан оғирроқ санкциялар назарда тутилган. Хусусан, транспорт

воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш одамлар ўлимига сабаб бўлса, ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш тайинланиши мумкин.

Демак, хорижий мамлакатларнинг жиноят қонунлари таҳлили шуни кўрсатадики, транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузишда аксарият хорижий мамлакатларда мамлакатимиз жиноят қонунчилигидан фарқли равишда инсоннинг соғлиғига шикаст етказиш меъзони билан бир қаторда мулкӣ зарар етказиш меъзони ҳам инобатга олинган. Бизнингча, Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида ҳам таҳлил қилинаётган жиноят учун жавобгарлик масаласини кўриб чиқишда шахснинг мулкига етказилган зиённи ҳам жиноят-ҳуқуқӣ муҳофаза доирасига киритиш мақсадга мувофиқ. Жиноят қонунчилигига шу каби тузатишларнинг киритилиши, ўйлаймизки, жиноят оқибатларининг кафолатли бартараф этилишига хизмат қилган бўлар эди.

Шунингдек юқоридаги ривожланган давлатларнинг жиноят қонунчилиги амалиётини кўриб чиқиб уларнинг ижобий жиҳатларидан яна бир тарафи транспорт воситасини маст ҳолда бошқарганда ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши эътиборимизни торти. Мазкур тажрибани назаримизда миллий қонунчилигимизга жорий этсак транспорт воситалари билан боғлиқ жиноятларни олдини олишга хизмат қилган бўлар эди. Биламизки Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 131-моддасига кўра маст ҳолда транспорт воситасини бошқариш бир йилу олти ойдан уч йил муддатга ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳамда муайян жарима жазоси тайинланиши мумкин. Бироқ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси биринчи қисмига назар ташлайдиган бўлсак маст олда транспорт воситасини бошқарганлик учун муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси йўқлигини кўриш мумкин. Шу нуқтаи назарда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддасига қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқ:

“Ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини алкоғоли ичимликдан, гиёванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолда бошқариши баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса —

транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йилу олти ойдан уч йилгача муддатга маҳрум қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг элик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”

Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши транспорт воситасини маст ҳолда бошқариш оқибагида содир этиладиган жиноятларни кескин камайишига ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс билан мувофиқлашади. Яъни транспорт воситасини маст ҳолда бошқарганлик учун маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш бор бироқ жиноят учун ушбу жазо йўқлиги ҳолатига барҳам берилади.

Фойдаланилган адабиётлар :

1. https://rusneb.ru/catalog/000199_000009_000737755/ электрон манба (мурофаат қилинган вақт 03.10.2024 й)
2. <https://www.wipo.int/wipolex/ru/legislation/details/17208> электрон манба (мурофаат қилинган вақт 03.10.2024 й)
3. [3.https://law.sfu-kras.ru/data/method/e-library-](https://law.sfu-kras.ru/data/method/e-library-) кўп электрон манба (мурофаат қилинган вақт 03.10.2024 й)
4. https://rusneb.ru/catalog/000199_000009_000728025/ электрон манба (мурофаат қилинган вақт 03.10.2024 й)
5. <https://zakon.rada.gov.ua/laws/show/2341-14#Text> электрон манба (мурофаат қилинган вақт 03.10.2024 й)
6. [https://hudoc.echr.coe.int/eng#{%22itemid%22:\[%22001-185913%22\]}](https://hudoc.echr.coe.int/eng#{%22itemid%22:[%22001-185913%22]}) электрон манба (мурофаат қилинган вақт 03.10.2024 й)

7. <https://localrent.com/ru/journal/spain/articles/pdd-shtrafy/> электрон манба (мурофаат қилинган вақт 03.10.2024 й)
8. <https://www.wipo.int/wipolex/ru/legislation/details/17208> электрон манба (мурофаат қилинган вақт 03.10.2024 й)
9. <https://www.wipo.int/wipolex/ru/legislation/details/17919> электрон манба (мурофаат қилинган вақт 03.10.2024 й)
10. <https://norvegija.org/ispolzovaniie-v-norvieghii-transportnykh-sriedstv-s-inostranno-riehistratsiiei/pravila-dorozhnogho-dvizhieniia> электрон манба (мурофаат қилинган вақт 03.10.2024 й)
11. <https://norvegija.org/ispolzovaniie-v-norvieghii-transportnykh-sriedstv-s-inostranno-riehistratsiiei/pravila-dorozhnogho-dvizhieniia> электрон манба (мурофаат қилинган вақт 03.10.2024 й)
12. <https://www.idltrip.com/BlogRu/%D0%92%D0%BE%D0%B6%D0%B4%D0%B5%D0%BD%D0%B8%D0%B5%D0%92%D0%BE%D0%A4%D1%80%D0%B0%D0%BD%D1%86%D0%B8%D0%B8> электрон манба (мурофаат қилинган вақт 03.10.2024 й)
13. <https://www.idltrip.com/BlogRu/%D0%92%D0%BE%D0%B6%D0%B4%D0%B5%D0%BD%D0%B8%D0%B5%D0%92%D0%BE%D0%A4%D1%80%D0%B0%D0%BD%D1%86%D0%B8%D0%B8> электрон манба (мурофаат қилинган вақт 03.10.2024 й)
14. <https://www.idltrip.com/BlogRu/%D0%92%D0%BE%D0%B6%D0%B4%D0%B5%D0%BD%D0%B8%D0%B5%D0%92%D0%BE%D0%A4%D1%80%D0%B0%D0%BD%D1%86%D0%B8%D0%B8> электрон манба (мурофаат қилинган вақт 03.10.2024 й)
15. <https://www.idltrip.com/BlogRu/%D0%92%D0%BE%D0%B6%D0%B4%D0%B5%D0%BD%D0%B8%D0%B5%D0%92%D0%BE%D0%A4%D1%80%D0%B0%D0%BD%D1%86%D0%B8%D0%B8> электрон манба (мурофаат қилинган вақт 03.10.2024 й)
16. <https://zarulem.com.au/> электрон манба (мурофаат қилинган вақт 03.10.2024 й)
17. <https://www.swissinfo.ch/rus> электрон манба (мурофаат қилинган вақт 03.10.2024 й)
18. <https://belgientoll.eu/%D0%B7%D0%B0%D0%BA%D0%BE%D0%BD%D1%8B-%D0%B2-%D0%B1%D0%BB%D1%8C%D0%B3%D0%B8%D0%B8/> электрон манба (мурофаат қилинган вақт 03.10.2024 й)
19. <https://internationaldriversassociation.com/ru/international-drivers-license-kenya/> электрон манба (мурофаат қилинган вақт 03.10.2024 й)
20. <https://traffic-rules.com/ru> электрон манба (мурофаат қилинган вақт 03.10.2024 й)
21. <https://internationaldriversassociation.com/ru/singapore-driving-guide/> электрон манба (мурофаат қилинган вақт 03.10.2024 й)
22. https://rusneb.ru/catalog/000199_000009_000986797/ электрон манба (мурофаат қилинган вақт 03.10.2024 й)
23. <https://zarulem.com.au/> электрон манба (мурофаат қилинган вақт 03.10.2024 й)
24. <https://adrive.by/pdd/by> электрон манба (мурофаат қилинган вақт 03.10.2024 й)
25. <https://internationaltravelpermits.com/ru/%D1%81%D1%82%D1%80%D0%B0%D0%BD%D1%8B/%D0%B1%D1%80%D0%B0%D0%B7%D0%B8%D0%BB%D0%B8%D1%8F/> электрон манба (мурофаат қилинган вақт 03.10.2024 й)
26. <https://www.bussgeldkatalog.org> электрон манба (мурофаат қилинган вақт 03.10.2024 й)
27. <https://vkcyprus.com/useful/41734-pravila-dorozhnogo-dvizheniya-na-kipre/> электрон манба (мурофаат қилинган вақт 03.10.2024 й)

28. <https://stepan.ru/po-stranam/america/usa/pravila-dorozhnogo-dvizheniya-ssha/> электрон манба (мурофаат қилинган вақт 03.10.2024 й)
29. <https://www.transfergo.ru/pdd-v-velikobritanii> электрон манба (мурофаат қилинган вақт 03.10.2024 й)
30. <https://www.transfergo.ru/pdd-v-velikobritanii> электрон манба (мурофаат қилинган вақт 03.10.2024 й)
31. Аксель М. Методологические проблемы сравнительного права // Очерки сравнительного права. – М., 1981. – С. 38.
32. Уголовное право зарубежных стран / Под ред. Крыловой Н.Е., Серебренниковой А.В. – М.: Зерцало, 1998. – С. 26–27.
33. Правовые системы стран мира. Энциклопедический справочник / Под ред. А.Я.Сухарева. – М.: Норма, 2003. – С. 963.
34. Мелешко Н.П., Тарло Е.Г. Уголовно-правовые системы России и зарубежных стран. – М., 2003. – С. 24-25.
35. Теория государства и права. Курс лекций / Под ред. Н.И.Матузова, А.В.Малько. – М.: Юристъ, 2004. – С. 191.
36. Никифоров Б.М., Решетников Ф.М. Современное американское уголовное право. – М., 1990. – С. 18–25.
37. <https://stepan.ru/po-stranam/america/usa/pravila-dorozhnogo-dvizheniya-ssha/> электрон манба (мурофаат қилинган вақт 03.10.2024 й)
38. Международные правовые акты государств-участников СНГ в области борьбы с преступностью. Сб. документов. – М., 1999. – С. 90.
39. Уголовный кодекс Республики Беларусь (в редакции на 15 июля 2009 г.). www.tamby.info/kodeks/yk.html
40. УК Армении 2003 г. / artlibrary2007.narod.ru/gukodeksi.html
41. Ўша манба
42. Уголовный кодекс Российской Федерации. – М., 2009.
43. Уголовный кодекс Азербайджанской Республики: перевод в азерб. Б.Э.Аббасова. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2001.
44. Уголовный кодекс Кыргызской Республики 2007 г. / www.for.kg/goid.php?id=22267 электрон манба (мурофаат қилинган вақт 03.10.2024 й)